

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"

№ ВМ-343-51409-3.02

"1" июль 2003 й.

"ТАСДИҚЛАНДИ"

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

"8" июль 2003 й.

**ПСИХОЛОГИЯ
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 140000 - "Ўқитувчилар
тайёрлаш ва педагогика" таълим соҳасидаги
5140900 - "Касб таълими" бакалавриат йўналиши учун**

Тошкент - 2003

Тузувчилар: доц. Примов М.,
ўқ. Холйигитова Н.

Такризчилар: доц. Ҳайдаров Ф.,
доц. Бабашев Ф.

"Психология" фани бўйича тузилган ушбу дастурда мустақилликнинг бизга берган ижодий ва мустақил тафаккур қилишдан иборат чексиз имкониятлари асос бўлиб хизмат қилади. Дастурда психологик билим асослари мухтасар тарзда баён этилган бўлиб, у ёшлар ўзини, ўзгаларни билиши, турли психологик вазиятлар ва гуруҳларда муомала қилиш сирларини, эркин, мустақил фикрлаш омилларини, психик ҳодисаларнинг қонуниятларини билишлари учун муҳим бўлган маълумотларни ўзида мужассамлаштирган.

Шу билан бирга Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида олий таълим тизими олдига қўйилаётган энг муҳим вазифалардан бири-малакали мутахассисларнинг ўзлигини, ўз қобилиятларини, индивидуаллигини, шахсий фазилатлари ҳамда хислатларини билган ҳолда атрофдагилар меҳнатини оқилона ташкил этиш ва ижтимоий фойдали меҳнатнинг барча соҳаларида иқтидорли касб соҳиби сифатида фаолият кўрсатишни таъминлашдир.

Благодаря независимости нашей Республики перед нами открылись безграничные возможности в области науки и свободного мышления. Данная программа по предмету " Психология" составлена на основе требований Национальной программы по подготовке кадров.

В ней предоставлены важные теоретические и практические знания по основам психологии. Особое внимание уделено на познание самого себя и других, как мыслить свободно и вести себя в различных ситуациях, в коллективе, в обществе.

В этой программе отражена одна из важных задач, поставленных национальной программой по подготовке кадров, перед высшем образованием- как воспитать свои возможности, индивидуальность, зная свои достоинства, разумно оценивать труд окружающих, правильно организовывать социально полезную деятельность профессионалов.

We are open boundless possibilities in the field of sciences and free thinking due to independence of our Republic. To example provided to students a program on subject "Psychology". In this program are afford important data and rules on bases of psychology and their regulation, for instance cognition itself and other how to behave in different situations and group in society, liberally in different psychological situations. Needed to

emphasize purposes put (deliver) before formation a personnel (frames) by national program of preparing a personnel (frames). As their own possibilities, knowing their own value, value labour surround, correctly organizine ocial labor profit of capable and experienced professionals their own action.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Ушбу фанни ўқитишнинг мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги

Иқтисодиёт олий ўқув юртларида бугунги кун талабларига жавоб берадиган иқтисодчи-бакалаврларни тайёрлашда "Психология" фанини ўрганиш ўта муҳим аҳамиятга эга. Чунки иқтисодчи-бакалаврлар етук малакали мутахассис бўлиб етишишлари учун психология соҳасида муайян билимларга эга бўлишлари керак.

"Психология"да фаннинг предмети, умумий психология, ёш даврлари психологияси, педагогик психология, ижтимоий психология, бошқарув психологияси, оила ва оилавий муносабатлар психологиясининг назарий жиҳатлари ўрганилади.

Фанни ўқитишнинг асосий мақсади-бўлғуси иқтисодчи-бакалаврларга ўқувчи, талаба психологияси ва иқтисодий жараёнлардаги психологик хусусиятлар, психологик жараёнлар тўғрисида билимлар беришдан иборатдир. Психология фанини самарали ўрганиш учун талаба иқтисодиёт назарияси, педагогика, фалсафа, социология каби фанларни яхши ўзлаштирган бўлиши лозим.

"Психология" фани иқтисодий фаолият соҳасига оид рефератлар, мустақил ишлар ёзишда, ушбу соҳалардаги зарурий психологик хусусиятларни ўрганишда катта аҳамият касб этади.

Ўқув фани бўйича билим, кўникма ва маҳоратга қўйиладиган талаблар

Иқтисодчи-бакалаврлар таълим жараёни ва иқтисодий фаолият жараёнидаги ўзига хос психологик хусусиятларни билишлари зарурдир.

Талабалар психологик кузатиш, психологик диагностика ва психологик тестлар воситасида воқеъликни таҳлил қилиш асосида тегишли хулосалар чиқариш кўникмасини эгаллашлари лозим.

Семинар машғулотлари бўйича бажариладиган ишларнинг минимал миқдорига талаблар

Иқтисодчи-бакалаврларнинг амалий машғулот дарслари баҳс, мунозара, брейншторминг ва тренинглари орқали амалга оширилади. Талабалар олдида қўйиладиган асосий талаблар уларнинг турли қобилиятларини айниқса, мустакил фикрлаш кўникмасини ривожлантириш, машғулот мавзусини шахсий тажриба ва вазиятларга боғлиқ ҳолда ўзлаштиришга эришишдан иборат.

Аудитория машғулотлари турларининг соатлар ҳажми бўйича тавсиялар

"Касб таълими" йўналишида "Психология" фани бўйича намунавий ўқув режасига кўра жами 135 соат ажратилган бўлиб, улардан маъруза дарслари учун 36 соат, амалий машғулотлар учун 54 соат, мустакил таълим учун 45 соат мўлжалланган.

Бакалаврлар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори

Бакалаврлар билимини баҳолаш учун маъруза дарсида оралиқ баҳолаш тўрт марта, семинар машғулотларида жорий баҳолаш тўрт марта, якуний баҳолаш икки марта ўтказилади.

Семестрлар охирида эса якуний баҳолаш биринчи марта оғзаки ва иккинчи марта эса ёзма тарзда ўтказилади. Ёзма ишдаги сўзлар миқдори 1200 дан кам бўлмаслиги лозим.

Ҳар бир семестрда барча назорат турлари (ЖБ, ОБ, ЯБ) умумлаштирилиб, ўртача балл қўйилади.

Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш

Бакалаврларга билим бериш мобайнида компьютер синфларидан, мультимедиадан ҳамда баҳс-мунозара, брейншторминг ва тренинглари, монолог, диалог, полилог ва муаммоли вазиятлардан чиқиш каби усуллардан фойдаланилади.

Ўқув дастурини тузишга оид услубий тавсиялар

"Касб таълими" йўналишида "Психология" фани намунавий ўқув режаси бўйича 3-4-семестрда ўқитилади.

2. ФАН ДАСТУРИ

"Психология" фанининг предмети ва вазифалари

Янги давр ва психология. Инсон омили. Психологиянинг предмети. Психика. Психиканинг намоён бўлиш шакллари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Психологиянинг фанлар тизимидаги ўрни. Табиий фанлар: биология, физиология, химия, физика ва ҳ.к. боғлиқлиги. Кибернетика фани. Психологиянинг техника фанлари, иқтисодиёт билан алоқаси. *Психологиянинг тармоқлари*. Психологиянинг вазифалари.

Психологиянинг замонавий усуллари ва уларни амалиётга тадбиқ этиш

Психологиянинг асосий усуллари. Кузатиш усули. Сўроқ усули. Тестлар усули. Эксперимент. Моделлаштириш. Психологиянинг тадбиқий ва амалий соҳалари. Амалий психологиянинг асосий йўналишлари. Саноат ва ишлаб чиқариш соҳаси. Сиёсат соҳасидаги психология. Оила ва никоҳ борасидаги тадбиқий ишлар. Маориф соҳасидаги амалий ишлар. Хуқуқбузарликнинг олдини олиш. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида психологик билимларнинг аҳамияти. Психологиянинг тадбиқий йўналишлари. *Психологик тестлар ва уларнинг имкониятлари*.

Психологияда шахс ва жамият муаммоси

Шахс-ижтимоий таъсирлар маҳсули сифатида. Нативизм йўналиши. Эмпиризм тарафдорлари. Мусиқий қобилиятлардаги ирсий хусусиятлар. Шахс-ижтимоий ва шахслараро муносабатларнинг маҳсули, онгли фаолиятнинг субъекти бўлмиш индивиддир. Санкциялар ва шахс. Роллар. Ўспиринлик даврида шахснинг ижтимоийлашуви. Шахс аутодиалогининг муҳим белгилари. Ижтимоий институтлар. Ижтимоийлашув жараёнида шахс йўналишининг шаклланиши. Масъулият тушунчаси. Мақсадлар ва идеаллар. Қизиқишлар ва дунёқараш. Шахс дунёқарashi ва эътиқодини ўзгартирувчи омиллар. Миллий ва маънавий қадриятлар. Маънавият ва маърифат. Оила. Мафкура. *Ижтимоий установакалар*.

Шахснинг фаоллиги. Фаолият турлари, мотивацияси ва уларни бошқариш.

Ижтимоий ҳуққ мотивацияси. Англаган ва англамаган мотивлар

Шахс ва унинг фаоллиги. Ташқи фаоллик. Ички фаоллик. Жисмоний ва ақлий ҳаракатлар. Малака. Кўникмалар. Фаолият турлари: мулоқот, ўйин, ўқиш, меҳнат. Ижтимоий ҳуққ мотивлари ва шахс мотивацияси. Мотивларнинг турлари. Мотивларнинг англаганлик даражаси: ижтимоий установака ва уни ўзгартириш муаммоси. Инсон фаолиятининг ўзига хослиги. Профессинал малака ва кўникмаларнинг шаклланиши. *Мотивацион назариялар ва уларнинг қисқача таърифлари*. Муваффақиятга эришиш мотивларини шахсда ўрганиш.

Шахнинг ижтимоий борлиқни билиши. Билиш мезонлари ва унинг адекватлиги.

Билиш жараёнлари ва профессионал фаолият: идрок, сезгилар, хотира, диққат, тафаккур, ирода ва ҳиссиётлар. Идрок ва идрок қилиш қонунлари. Фигура ва фоннинг илгарилиги ҳаракатга боғлиқлиги қонуни. Идрокнинг константлиги қонуни. Кутишлар ва тахминларнинг идрокка таъсири. Ўзгармас маълумотнинг идрок қилинмаслиги қонуни. Англаганлик қонуни. Тахминларни текшириш жараёнида идрок қилиш. Хотира ва шахс тажрибасининг бойлиги. Идрокнинг инсон ҳатти-ҳаракатлари билан алоқаси. Идрок образларининг шаклланишига олиб келувчи омиллар. Идрокнинг англаганлиги. Идрок ва тафаккур. Хотирадаги индивидуал фарқлар. *Психологиядаги хотира назариялари. Хотирани ўстирувчи психологик омиллар.*

Тафаккур ва мустақил фикрлаш шарт-шароитлари. Ижодий ва мантиқий фикрлаш-соғлом маънавият ва эътиқодни тарбиялаш омили сифатида

Тафаккур турлари. Тафаккур шакллари ва операциялари. Тушунчалар. Хулосалар. Мустақил фикрлаш-соғлом маънавиятнинг мезони сифатида. Тафаккурни ривожлантириш. Тафаккурнинг бошқа психик жараёнлар билан алоқаси. Тафаккур хусусиятлари: аутистик ва реалистик тафаккур. *Тафаккур ва фикрлашдаги индивидуал фарқлар.* Мустақил фикрлашнинг табиий асослари.

Шахнинг индивидуал хусусиятлари ва уларни диагностика қилиш. Характер, темперамент ва қобилиятларни билишнинг аҳамияти

Индивидуал-типологик хусусиятлар классификацияси: қобилиятлар, темперамент, характер, иродавий сифатлар, эмоциялар ва мотивация. Шахс иқтидори ва қобилиятлар диагностикаси. Қобилиятлардаги туғма ва ортирилган сифатлар. Лаёқат, иқтидор, истеъдод. Қобилиятларнинг психологик таркиби. *Қобилиятлар ва қизиқишлар диагностикаси.* Темперамент ва фаолиятнинг индивидуал хусусиятлари.

Ҳозирги замон психологиясидаги асосий йўналишлар

Ўзбекистон Республикасининг суверен, демократик тараққиёт йўлини танланганлиги натижасида чет эл психологиясидаги назарий ва амалий мактаблар ғояларига нисбатан муносабатнинг ўзгариши.

Функционал психология назарий қарашларнинг умумий мазмуни. Функционал психология вужудга келишининг ижтимоий ва назарий асослари. Бихевиоризм оқими вужудга келишидаги асосий эҳтиёжлар. Бихевиоризм оқимининг онг тушунчаси ва интроспекция усулига қарши чиқиши, унинг ўрнига ҳулқ-атвор тушунчасини илгари суриши. Гештальт психология оқими тўғрисида умумий

тушунча. Гешталът психологияда идрок жараёнларида константлик (доимийлик), таркибий тузилишга эгалик, предмет образининг уни ўраб турган атроф-муҳит билан боғлиқлик қонунларини кашф этилиши. Гешталът психология оқими асосий вакиллари М. Вертгеймер, В. Кёлер, Хоффко ва "Фи-феномен" мактабининг қарашларидаги назарий ғоялар. Фрейдизм оқимининг моҳияти. Инсон онгидан сиқиб чиқарилган аффектларнинг хулқ-атворга таъсири ўрганилиши. *Гуманизм психологиясида инсонларга "очиқ имкониятларга эга ва ўз-ўзини такомилга етказа олувчи , ноёб тизим" сифатида қаралиши.* Гуманизм психологияси вакиллари Г. Олпорт, А. Маслоу, К. Роджерс қарашларининг мазмуни.

К. Юнг онгсизлик табиати тўғрисида

Педагогик фаолият психологияси

Жамиятнинг таълим-тарбияга бўлган эҳтиёжини кондириш мақсадида умуминсоний сифатлар ва миллий фазилатларни шакллантириш. Ўқитувчи ва талаба ўртасидаги муносабат. Билим бериш-билим олиш. Ўргатиш-ўрганиш майлида кечадиган муносабатлар. Таълим-тарбия беришнинг муайян усул ва услублари, таълим-тарбия берувчининг маърифий тамойиллари. Шахснинг ҳар томонлама камолга етиши, таълим ва тарбиянинг инсонийлиги, таълим-тарбия билан боғлиқ мулоқот. Касбга йўналтириш. Таълимда енгиллик ва фаоллик тамойилларининг психологик хусусиятлари, ўқитувчи шахсига нисбатан касбий ва инсоний талаблар. *Педагогик фаолиятни шакллантирувчи омиллар.* Педагогик фаолиятни юритишда Имом Бухорий, Исо-ат-Термизий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Нақшбандий, Бехбудий, Авлонийлар хизматларининг психологик таҳлили.

Таълим психологиясининг асослари, моҳияти ва қонуниятлари

Ўқитишнинг моҳияти ва унинг қонуниятлари. Таълим тизимини бошқариш. Ўзлаштиришнинг психологик компонентлари. Таълим олишда билиш жараёнларининг роли. Индивидуал психологик хусусиятларнинг таълим жараёнлари билан боғлиқлиги. Таълим олишда онгнинг роли. Ақлий ривожланишнинг мезонлари. Таълимни интенсивлаштириш. Актив, мустақил фикр, ижодий тафаккур, мустақил билиш фаолиятини таркиб топтириш. Таълимни индивидуаллаштиришда қобилиятнинг аҳамияти.

Психологик хусусиятларнинг таълимни ривожлантиришдаги ўрни. Математик ҳамда адабий қобилиятларни тадқиқ қилиш усуллари.

Тарбия психологияси асослари. Жамоа ва унинг тарбиявий таъсири

Шахсни таркиб топтиришнинг умумий психологик қонуниятлари. Болалик ва мактаб ёшида тарбиянинг шахсга таъсири. Билимларни маънавий хулқ-атвор амалиётисиз ўзлаштириб олишнинг моҳияти. Маънавий билим ва маънавий хулқ-атворнинг боғлиқлиги. Тарбиянинг мотивларга боғлиқлиги. *Тарбиявий иш услублари*. Билимлар ахлоқий тасаввурлар ва тушунчалар сифатида. Жамоодаги тарбиявий таъсир.

Шахс тараққиётининг ёшга боғлиқ хусусиятлари. Ўспиринлик ва етуқлик даврлари психологияси

Шахс тараққиётидаги ижтимоий ва генотип омиллар. Шахс тараққиётини даврларга бўлиш. Ўсмирлик ва ўспиринлик даврларида шахс ижтимоийлашувининг ўзига хослиги. Ўсмирлик даври. Ўспиринлик даври. Ёшлардаги аттракция ва юксак ҳис-туйғулар. Инсоний фазилатлар. Ёш даврлар психологиясида шахс ва тараққиёт муаммоси. Турли ёш даврларни ўрганиш усуллари. Аттракциянинг психологик таҳлили. Ўспиринлардаги севги ва садоқат мезонлари. *Ёшларни юксак ахлоқий муносабатларга тайёрлаш ва уларда Ватан туйғусини тарбиялаш масаласи*.

Шахс инсоний муносабатлар тизимида. Муомала техникаси ва стратегияси. Самарали таъсир сирлари

Инсоний муносабатлар психологияси. Шахслараро муомаланинг шахс тараққиётидаги ўрни. Инсоний муомала ва мулоқотнинг психологик воситалари. Психологик таъсирнинг уч воситаси: вербал таъсир, паралингвистик таъсир, новербал таъсир. Мулоқот ва уни ўрганиш муаммолари. Профессional тинглаш техникаси. Ижтимоий -психологик тренинг. Инсон ва ҳайвон мулоқотининг ўзига хос томонлари. Болалар ва катталар мулоқотининг ўзига хослиги. Амалий мулоқот техникаси ва стратегияси. Таъсирчан муомала сирлари. Шарқ алломалари мулоқот этикаси ва маҳорати ҳақида. *Бозор муносабатлари шароитида шахслараро муносабатларни такомиллаштириш муаммоси*.

Гуруҳларда ижтимоий фаолиятни ташкил этиш. Гуруҳий ўзаро мослик, лидерлик ва конформизм ҳодисалари

Шахс ва гуруҳ. Гуруҳларнинг турлари. Референт гуруҳ. Норматив гуруҳ. Қийёслаш гуруҳлари. Негатив гуруҳлар. Гуруҳ ўлчамлари ва унинг тизими. Жамоаларда психологик ўзаро мослик. Группавий қарорлар қабул қилишда ўзаро таъсир масаласи. Гуруҳдаги психологик муҳит ва уни ўрганиш. Жамоа фаолиятининг самарадорлиги. Жамоаларда рўй берадиган психологик ҳодисалар.

Жамоанинг шахсга ижобий ва салбий таъсирлари. Жамоани бошқаришнинг самарали усуллари. Меҳнат жамоаларининг конкрет шахсга ижобий таъсири. *Жамоадаги маънавий муҳитни шакллантирувчи омиллар.*

Менежерлик психологияси

Бошқарув психологияси ҳақида тушунча. Бошқарув фаолияти муаммолари. Бошқарув муаммолари ҳақида фалсафа, тарих, иқтисод, ҳуқуқшунослик фанларининг талқини. Бошқарув объекти ва субъекти. Бошқарувнинг қоида ва усуллари. Гуруҳларда раҳбарлик ва етакчилик. Етакчилик услублари ҳақида тушунча. Авторитар, демократик ва либерал услублар. Раҳбарлик сифатлари. Жамоа ҳақида умумий тушунча. Жамоанинг ривожланиш босқичлари. Раҳбарларга қўйиладиган талаблар. *Раҳбарларнинг муаммоли вазиятни бартараф қилиши.*

Тадбиркорлик ва бизнес психологияси асослари

Тадбиркорлик ва бизнес фаолияти психологияси ҳақида. Тадбиркорлик ва бизнес фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий -психологик (ижтимоий-иқтисодий, ҳудудий, сиёсий ва психологик) омиллари.

Тадбиркорлик фаолиятида шахс психологияси. Лаёқат, истеъдод ва қобилиятлар. Муомала психологияси ва тадбиркорлик фаолияти. Тадбиркорлик фаолиятида низолар ва уларнинг олдини олишнинг психологик йўллари. *Тадбиркорлик қобилиятини ривожлантириш.*

Тадбиркорлик ва ташаббускорлик. Тадбиркорлик ва бизнес фаолиятида реклама ва маркетингнинг ўрни. Тадбиркорлик ва бизнес фаолиятида шахснинг маънавий қиёфаси. Тадбиркорлик ва бизнес фаолиятини бошқариш.

Оила ва оилавий муносабатлар психологияси

Оиланинг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятлари. Оиланинг шахсни шаклланишидаги роли. Оиланинг ижтимоий-тарихий келиб чиқиши. Оилавий ҳаётда бўладиган ўзгаришлар, муаммолар, қонуниятлар. Оилавий ҳаётнинг ўзига хос хусусиятлари. Оила мулоқоти. Оилани режалаштириш. Оиланинг асосий функциялари. Никоҳга етуклик хусусиятлари. Никоҳ ёши хусусиятлари. *Оилавий низолар.* Ота-оналар обрўси ва шахсий намунаси тарбия самарадорлигини оширувчи омил сифатида. Оилавий тарбияни такомиллаштириш вазифалари.

Гуруҳ шароитида замонавий ўқитишнинг педагогик ва психологик технологиялари

Аудитория билан ишлашнинг ижтимоий психологик шартлари. Монолог. Диалог. Полилог. Фаол ўқитиш усуллари ва уларни ташкил этиш. Дарсда мунозара, брейнштурминг ва тренинглар ўтказиш технологияси. Баҳс турлари. Ёзма баҳс

ўтказиш усуллари. Таълим жараёнида педагогик мулоқотнинг ўзига хос жиҳатлари. *Мунозара усулларининг ижтимоий-психологик аҳамияти.* Катта ва кичик гуруҳларда мунозараларни ташкил этиш қоидалари. Баҳсда самарали иштирок этиш тамойиллари.

3. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУЛАРИ

Психология фанининг предмети ва вазифалари

Янгича тафаккур ва миллий мафкура шаклланиши шароитида психологик билимларнинг жамиятдаги ўрни.

Психология фанининг фанлар тизимидаги ўрни. Психология фанининг тармоқлари ва уларнинг вазифалари. Психология ривожланаётган фанлар тизимида. Марказий Осиё мутафаккирлари таълимотида психологик қарашларнинг ўрни.* Психология фанининг вазифалари.

Психологиянинг замонавий усуллари ва уларни амалиётга тадбиқ этиш.

Психологиянинг асосий усуллари: кузатиш, сўроқ, тест, эксперимент, моделлаштириш.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда психология фанининг аҳамияти ва унинг вазифалари. Амалий психологиянинг асосий йўналишлари.

Ўзбекистонда демократик жамият барпо этилишда фаол иштирок этувчи шахснинг маънавий камолотида психологиянинг ўрни.

Психологияда шахс ва жамият муаммоси.

Шахс тушунчаси. Шахс ва шахсга таъсир этувчи кучлар. Шахснинг ўз-ўзини англаши ва "мен" образи. Турли тараққиёт даврларида шахснинг ижтимоийлашуви. Ижтимоийлашув жараёнида шахс йўналишининг шаклланиши. Шахсда эътиқод, дунёқараш, қизиқишнинг ривожланиши.

Шахснинг фаоллиги. Фаолият турлари, мотивацияси ва уларни бошқариш

Фаолият ҳақида умумий тушунча. Шахс фаолияти ва унинг психологик тузилиши. Фаолият ва психик жараёнлар. Иш-ҳаракатлар инсон фаолиятидан бири эканлиги. Ташқи (амалий), ички (ақлий) иш-ҳаракатлар. Кўникма ва малакалар, уларнинг асосий турлари. Етакчи фаолият ҳақида тушунча.

Шахснинг ижтимоий борлиқни билиши. Билиш мезонлари ва унинг адекватлиги

Диққатнинг инсон ҳаёти ва фаолиятидаги ўрни ва хусусиятлари. Таълим жараёнида диққатнинг роли.

Сезгилар ва улар тўғрисидаги назариялар. Сезги турлари. Сезгиларнинг Ч. Шерингтон классификацияси Англиялик невролог Х. Хэднинг сезгилар тўғрисидаги генетик классификацияси хусусиятлари.

Идрок жараёнлари. Идрокнинг физиологик ва психологик хусусиялари.

Тафаккур ва мустақил фикрлаш шарт-шароитлари

Тафаккур хақида тушунча. Тафаккур ва ҳиссий билиш. Тафаккур жараён сифатида. Тафаккурни тадқиқ этишнинг ижтимоий аҳамияти. Ёшларда янги тафаккур юритишни шакллантириш. Тафаккур мотивацияси ва фикрлаш операциялари Мустақил фикрлашнинг табиий асослари.

Шахснинг индивидуал хусусиятлари ва уларни диагностика қилиш

Темперамент шахснинг эмоционал кўзгалувчанлиги ва ҳаракатчанлигидаги индивидуал хусусиятлар йиғиндиси сифатида.

Характер тўғрисида тушунча. Характернинг фаолият ва муомала жараёнида шаклланиши.

Қобилият турлари. Қобилиятлар шаклланишида сензитив даврлар.

Ҳозирги замон психологиясидаги асосий йўналишлар

Функционал психология вужудга келишининг ижтимоий ва назарий асослари. Функционал психологияда онгга муносабат масалалари.

Бихевиоризм оқими вужудга келишидаги асосий омиллар.

Бихевиоризм оқимида онгга ва хулқ-атворга муносабат.

Гештальт психология оқими тўғрисида умумий тушунча. Гештальт психологияда предмет ва фазо муносабатларини идрок этиш масалалари.

Фрейдизм оқимининг моҳияти. Фрейдизмда неврозлар келиб чиқиш манбаига муносабат.

3. Фрейд классификациясига кўра руҳиятнинг уч хил тузилиши даражаси. Шахснинг таркибий тузилиши. Гуманизм психологиясида инсон ва инсон ресурсларига янги муносабат.

Педагогик фаолият психологияси

Ўқитувчи ва талаба ҳамкорлиги таълим самарадорлигининг муҳим омили. Бўлғуси ўқитувчининг ўқув фаолиятини бошқариши. Ўқитувчининг психологик хусусиятлари. Ўз-ўзини назорат қилиш. Кенг кўламдаги билимлар, таълим усулларини системалаштириш.

Таълим психологиясининг асослари, моҳияти ва қонуниятлари

Умумий таълим масалаларини ҳал қилишда ва шахсни маънавий томондан камол топтиришда педагогик психологиянинг тутган ўрни. Таълимни индивидуллаштиришда қобилиятнинг аҳамияти. Ақлий ривожланиш мезонлари. Психологик хусусиятларни таълимни ривожланитиришдаги ўрни.

Тарбия психологияси асослари. Жамоа ва унинг тарбиявий таъсири.

Шахс таркиб топишининг умумий психологик қонуниятлари. Таълим жараёнида фикр юритиш операцияларининг аҳамияти. Маънавий билим ва маънавий хулқ-атворнинг тарбия мотивларга боғлиқлиги.

Шахс тараққиётининг ёшга боғлиқ хусусиятлари. Ўспиринлик ва етуқлик даврлари психологияси

Илк ўспиринлик даврининг психологик хусусиятлари. Талабалар психологияси ва ўқув фаолияти. Психологлар М. Г. Давлетшин, И. И. Ильясов, А. В. Дмитриева, В. А. Токарева, Э. Ғ. Ғозиевларнинг талабалик даврига доир психологик қарашлари.

Муомала техникаси ва стратегияси. Самарали таъсир сирлари

Шахс-ижтимоий муносабатлар маҳсули. Мулоқот тури ва шакллари. Инсоний муносабатларнинг ўзаро таъсир жараёнлари. Психологик таъсир воситалари: вербал, паралингвистик, новербал. Профессонал тинглаш техникаси.

Гуруҳларда ижтимоий фаолиятни ташкил этиши

Шахслараро муносабатларнинг юзага келиши. Шахс тараққиётида одамлар гуруҳининг ўрни. Референт гуруҳ. Референт гуруҳлар турлари: норматив, қиёслаш, негатив. Психологик мослик мезонлари.

Менежерлик психологияси

Бошқарув психологияси ҳақида тушунча. Бошқарув объекти ва субъекти. Бошқарув қоидалари ва усуллари. Бошқарувда авторитар, демократик ва либерал услублар. Раҳбарнинг ахлоқий тамойиллари. Устувор иқтисодий бошқарув усуллари ахлоқийлик касб этиши.

Тадбиркорлик ва бизнес психологияси асослари*

Тадбиркорлик ва бизнес фаолияти психологияси ҳақида. Тадбиркорлик фаолиятида шахс психологияси хусусиятлари. Тадбиркорлик фаолиятида мулоқот жараёнининг аҳамияти. Тадбиркорлик фаолиятида низолар ва уларни олдини олишнинг психологик усуллари.

Оила ва оилавий муносабатлар психологияси*

Оилада шахс шаклланиши ва ривожланиши. Оилада шахслараро муносабат. Оилавий низоларнинг бола руҳиятига таъсири. Никоҳга етуклик хусусиятлари. Оила-ижтимоийлашувнинг асосий ва муҳим ўчоғи. Юртимизда оила давлат ҳимоясида.

Гуруҳ шароитида замонавий ўқитишнинг педагогик ва психологик технологиялари

Аудитория билан ишлашнинг ижтимоий психологик шартлари. Монолог. Диалог. Полилог. Фаол ўқитиш усуллари ва уларни ташкил этиш. Дарсда мунозара, брейншторминг ва тренинглар ўтказиш технологияси. Баҳс турлари. Ёзма баҳсни ўтказиш усули. Таълим жараёнида педагогик мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари. Мунозара усулларининг ижтимоий психологик аҳамияти. Катта ва кичик гуруҳларда мунозараларни ташкил этиш қоидалари. Баҳсда самарали иштирок этиш тамойиллари.

4. ИНФОРМАЦИОН-ТЕХНИК ВОСИТАЛАР

Ақлий тараққиёт тести, Равен тести, Бурдон жадвали, Кеттел тести, Айзенк сўровномаси, К. Юнгнинг характер типини аниқлаш усуликаси, дифференциал-диагностик сўровнома.

Бакалавриятларга интернет тармоғи орқали қуйидаги сайтлардан ўқув фильмлари олинади:

1. e-mail: sales@piter-press.ru
2. e-mail: piter-t@lincom.kharko.ua
3. e-mail: root@top-book.nsk.su
4. e-mail: postbook@piter-press.ru

Маъруза ва семинар мавзулари бўйича тарқатма материаллар.

5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ

Фанга ажратилган максимал балл-90, бундан жорий баҳолаш 37,8, оралиқ баҳолашга 25,2 якуний баҳолашга 27,0 балл ажратилган. Жорий, оралиқ ва якуний баҳолашлар талабалар билимини оғзаки, ёзма шаклларда назорат қилиш ҳамда рефератларни текшириш усулида ўтказилади. Саралаш балл – 49,5 балл.

Ўқув йили давомида "Психология" фанидан 56-70% тўплаганлар "қониқарли", 71-85% тўплаганлар "яхши", 86-100% тўплаганлар "аъло" баҳолар билан баҳоланади.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. Каримов И.А. Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
10. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
11. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
12. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: Шарқ, 1997.
13. Каримова В. М, Акрамова Ф. А Психология. Маърузалар матни. - Т.: Ўқитувчи, 2001.
14. Каримова В. М. Ижтимоий психология асослари. -Т.: Ўқитувчи, 1998.
15. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Т.: Ўзбекистон, 2000.
16. Ғозиев Э. Психология.-Т.: Ўқитувчи, 1999.

Қўшимча адабиётлар

1. Аникеева Н. П. Жамоада руҳий муҳит. -Т.: Ўқитувчи, 1997.
2. Андреева Г. М. Социальная психология. -М.: 2000.
3. Адизова Т. М. Бошқарув мулоқоти психологияси.-Т.: 2000.
4. Бодалев А. А. Мягкость и общение. -М.: Наука,1998.
5. Выготский А.С. Вопросы теории и истории психологии.- М.: Мысль, 1996.
6. Дўстмухаммедова Ш. А. Ўқувчиларга ўқув фаолиятларини бошқариш психологияси.- Т.: 2000.

7. Каримова В. М. Социал психология. - Фарғона, Фарғона давлат университети, 1996.
8. Каримова В. М. Ижтимоий психология. -Т.: Ўқитувчи, 1996.
9. Квинн В. Прикладная психология. Перев. с англ.-Санкт-Петербург, изд-во Питер Ком, 1998.
10. Леонтьев А.Н. Проблемы развития психики. -М.: МГУ, 2000.
11. Мунавваров А. Қ. Оила педагогикаси.-Т.: Ўқитувчи, 1997.
12. Майерс Д. Социальная психология. Перев. с англ.-Санкт-Петербург.: Питер Ком, 1998.
13. Психология. Қисқача изоҳли луғат.-Т.: 1998.
14. Под. ред. Крылова А. Психология. Учебник.-М.:1998.
15. Практическая психодиагностика. Усулика и тесты.-М.: 1999.
16. Прикладная социальная психология.-М.: 1999.
17. Сафаев Н.С, Ғаффоров Б. Т. Муомала сирлари. Дейл Карнеги тизими асосида тузилган маслаҳатлар.-Т.: Ўқитувчи, 1997.
18. Социальная психология. История. Теория. Эмпирические исследования.- Л.: 1999.
19. Стреляц Я. Роль темперамента в психологическом развитии.-М.: 2000.
20. Турғунов Қ. Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. -Т.: Ўқитувчи, 1999.
21. Тошимов Р, Маматов М, Ғозиев Э. Ғ. Ақлий камалингизни аниқлай оласизми? -Т.: 1997.
22. Теоретическая и прикладная социальная психология.
23. Отв. ред. А.И. Уледов.-М.: Мысль, 1998.
24. Умумий психология.- Т.: Ўқитувчи, 1999.
25. Хьелл Л, Зиглер Д. Теории личности. Перев. с англ.-Санкт-Петербург.: Питер Ком, 1998.
26. Шоумаров Ғ. Б. Оила психологияси.-Т.: Ўқитувчи, 2000.
27. Шпалинский В. А. Психология менеджмента. Учеб. Пособие. –М.: Изд. во УРАО, 2000.
28. Чалдини Р. Психология влияния. -М.: 1999.
29. Эйдмиллер Э. Г, Юстицкий В. В. Психология и психотерапия семьи. Перев. с англ. -Санкт-Петербург.: Питер Ком, 1998.
30. Ярошевский М.Т. История психологии.-М.: Мысль, 1999.
31. Ғозиев Э. Ғ. Тафаккур психологияси.-Т.: Ўқитувчи, 1997.
32. Ғозиев Э. Ғ., Азимов Н, Усмонова Э. Дикқат психологияси. Университет талабалари учун ўқув қўлланма.-ТошДУ.: 1998.

33. Ғозиев Э. Ғ., Усмонова Ш. Интеллект психологияси.-Т.: 2000.
34. Ғозиев Э. Ғ., Хасанов Б. Психология назарияси.-Т.: 1998.
35. Ғозиев Э. Ғ. Инсон психологиясининг ривожланиши.-Т.: 1999.
36. Ғозиев Э. Ғ. Олий мактаб психологияси.-Т.: Ўқитувчи, 1999.
37. Ғозиев Э. Муомала психологияси.-Т.: Ўқитувчи, 2001.